

---

**Фурқат туманида "Кексалар ҳафталиги" кўтаринки руҳда бошланди**  
Вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Б.Холиқов бошчилигида дастлабки манзил Тўрғай маҳалла фуқаролар йиғини бўлди.

Йўқловчи гуруҳ ушбу манзилда истиқомат қилувчи фахрий нурунийлар Маъмуржон ота Раззоқов ва Ўлмасхон оналарнинг хонадонларида меҳмон бўлдилар.

Маъмуржон ота ва Ўлмасхон она ҳали тетик, мана 70 йил бўлибтики отахон ҳам онахон билан бирга бир бирларига бўлган хурмат ва иззатни йўқотмаган.

Учрашув сўнгида бир қанча ўғитлар, ибратли ҳаёт йўллари мавзусида кечган суҳбатдан чўнг чинакам оилапарвар нурунийларга муносиб эсдалик совғалари улашилди.

2022-10-04 08:39:38